

«ТАРИХИЙ МАНБАШУНОСЛИК,
ТАРИХНАВИСЛИК, ТАРИХ
ТАДҚИҚОТЛАРИ МЕТОДЛАРИ
ВА МЕТОДОЛОГИЯСИНИНГ
ДОЛЗАРҒ МАСАЛАЛАРИ»

*мавзудаги Республика XIII илмий-назарий
конференциясининг материаллари*

13

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРИХИЙ МАНБАШУНОСЛИК,
ТАРИХНАВИСЛИК, ТАРИХ
ТАДҚИҚОТЛАРИ МЕТОДЛАРИ
ВА МЕТОДОЛОГИЯСИНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

**Республика XIII илмий-амалий
конференция материаллари**



Тошкент – 2021

“Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқотлари методлари ва методологиясининг долзарб масалалари” // Республика XIII илмий-амалий конференция материаллари. 13-илмий тўплам [Тошкент давлат шарқшунослик университети. Масъул муҳаррир тар.ф.д., проф. М.М.Исҳоқов] Тошкент: 2021.

Ушбу тўпламда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020йил 2 мартдаги 78-сон фармойиши, Ўзбекистон ОЎМТ Вазирлигининг 2021 йил 6 мартдаги 122-сон буйруғи, ТДШУ ректорининг 2021 йил 15 мартдаги 118-УМ-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йилнинг 24 апрель куни Тошкент давлат шарқшунослик университетида ўтказилган **“Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқотлари методлари ва методологиясининг долзарб масалалари”** мавзусидаги анъанавий Республика илмий-амалий конференциясининг 13-навбати материаллари эълон қилинмоқда.

Анжуман ТДШУ илмий-тадқиқотлар режаси асосида шартномавий ҳамкор ташкилотлар – ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, ЎзР ФА Тарих институти, ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи, ЎзР ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Масъул муҳаррир:

Тарих фанлари доктори, профессор М.М.Исҳоқов

Такризчилар:

Тарих фанлари доктори, профессор Ж.Ҳ.Исмоилова

Тар.ф.н., доц. Р.Р.Алимова

Таҳрир гуруҳи:

Ҳайдаров И.М., Одилов Б.А., Мадраимов А.А.,

Худойназаров И.Б., Бекмурадов С.Т.

Тошкент давлат шарқшунослик университетининг 2021 йил 29 апрель куни бўлиб ўтган 9-сонли навбатдан ташқари Кенгаши қарорига мувофиқ нашрга тавсия қилинган.

15. Хошимова Д.Ф. Ватан тарихшунослигида ўзбек халқининг этник тарихи ва этногенезининг ўрганилиши (XIX аср ўрталари XX аср). дис. – Ташкент, 1997. – 162 б.

16. Хошимова Д. В.В.Бартольд асарларида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масалаларининг ёритилиши. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 16 б.

17. Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 464 б.

18. Якубовский А.Ю. Ўзбек халқининг юзага келиши масаласи ҳақида. – Тошкент: ЎзФАН, 1941. – 20 б.

ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ЎЛКАШУНОСЛИК ТЎГАРАКЛАРИНИНГ ЎРНИ

Болтаев Аъзам Ҳомидович

Бухоро давлат университети

Самандарова Насиба Зафаржонова

Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси

Бухоро тарихи йўналиши 2-босқич талабаси

Аннотация: Мазкур мақолада ўлкашунослик тарихи, унинг пайдо бўлиши ва шаклланиши, XIX аср иккинчи ярмидан бизнинг ҳудудларга кириб келиши ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, ўлкашунослик соҳаси ривожига Бухоро музейининг ўрни ва мактаб билан ҳамкорлиги масалалари ҳамда мустақиллик йилларида ўлкашунослик тўғарақларининг фаолияти ва бу соҳада олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берилади.

Аннотация: В данной статье рассматривается история краеведения, его возникновение и становление, проникновение на наши территории со второй половины XIX века. Также будет представлена информация о роли Бухарского музея в развитии краеведческой сферы и сотрудничестве со школой, а также о деятельности краеведческих кружков в годы независимости и проводимой в этой сфере работе.

Abstract: This article gives an idea of the history of the country, its emergence and formation, its penetration into our territories from the second half of the XIX century. Also, information will be given on the role of the Bukhara Museum in the development of the local development and cooperation with the school, as well as the activities of local lore in the years of independence and the work carried out in this area.

Улғайиб келаётган ёшларни ўлка тарихи ва буюк аجدодларимиз мероси билан фахрланиш ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўлкашунослик тўғарақларининг ўрни ниҳоятда катта. Айтиш жоизки, бугунги кунда республикамізда фаолият кўрсатаётган қатор ўлкашунослик тўғарақлари ана шундай эзгу мақсад йўлида хизмат қилмоқда.

Ўлкашунослик тарихига назар ташласак бу атама узок ўтмишга бориб тақалади. А.Набиев китобида рус олими М.В.Ломоносов ўз ўлкасини мукамал ўрганиш мақсадида 1761 йил 30 саволдан иборат жавоб варакасини (анкета) тузиб, аҳоли ўртасида тарқатган. Шу билан ўлкашунослик фанига асос солинган – деб ёзади[2: 4]. А.М.Большаков ҳам бу маълумотларни тасдиқлайди ва М.В.Ломоносовни рус ўлкашунослигининг отаси деб қайд қилади[3:116]. Аммо, тадқиқот жараёнида яна шулар аён бўлдики, бу атамани илк бор буюк чех педагоги Ян Амос Коменский (1592-1670) ҳам қўллаган ва педагогик томондан ўлкашуносликни ўрганишнинг ғоявий жиҳатларини асослаган[7]. Олим ўлкашуносликни иккига, яъни шаклий ва ташкилийга бўлади. Ташкилий ўлкашуносликнинг ўзи учга бўлинган илмий, жамоа ва мактаб ўлкашунослигига.

Манбаларда ўлкашунослик соҳаси бизнинг худудимизга Россиядан анчагина кейин, яъни XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб келган деб қайд қиланади[2: 5]. Лекин тарихга эътибор қаратсак биздаги олимлар Россиядан анча олдинроқ тарихий ўлкашунослик соҳаси билан жиддий шуғулланганликларини кўриш мумкин. Шўро даврида совет раҳбарияти ёшлар онгида социализм, коммунизм ғояларини ва совет жамияти раҳбарларига нисбатан муҳаббатни шакллантириш мақсадида мактабларда ўлкашунослик тўғараклари ташкил этиш вазифасини қўйди. Бу каби маълумотларни архив ҳужжатларида учратиш мумкин. Масалан, ҳукмрон мафкура раҳбарлари томонидан XX аср 50-йиллардан бошлаб, Бухоро музейи илмий ходимлари олдида мактаб жамоаси билан янги ўқув йилида ўлкашунослик соҳасига жиддий эътибор бериши ва сентябрнинг иккинчи ярмидан вилоятдаги 15 та мактабда ёш ўлкашунос тўғаракларини ташкил этиш ва расмийлаштириш вазифаси қўйилади. 1949 йилнинг учинчи чорагида олтита жойда (туман маданият уйи ва колхоз йиғингоҳида) ўлкашунослик тўғарагини очиш учун тайёргарлик ишлари олиб борилади[4:36].

Ҳужжатларда ўлкашунослик соҳасини тарғиб қилиш учун қуйидаги чоралар кўрилганини кузатиш мумкин, августдаги ўқитувчилар йиғилишида ўлкашунослик тўғаракларининг методик-кўрсатмаси тасдиқланади. Вилоят газетасида ўлкашунослик фаолиятини оммалаштириш учун катта мақола эълон қилинади ва радиода учта эшиттириш эфирга узатилади[4: 44].

Олиб борилган ишлар натижасида ўлкашунослик соҳаси вилоятда анча қизиқишга сабаб бўлди ва бу соҳадаги муаммоларни ечиш учун музей раҳбарлари ва ходимларидан жиддий шуғулланиш талаб этилган эди. Музейда ҳафтанинг уч куни, яъни сешанба, пайшанба ва жума ўлкашунослик кунлари деб эълон қилинади. Ўша кунларда музей илмий ходимлар ўлкашунослик бўлими фаолияти билан шуғулланган ва тўғарак вакилларини қабул қилиб уларга маслаҳат ва ёрдам беришган.

Архив маълумотларида қайд этилишича, музей қошида мактаб комиссияси тузилади ва Бухоро шаҳридаги Халқ таълими бўлими тавсиясига кўра, унга шаҳар мактабларидан 25 та фаол ўқитувчи жалб

қилинади. Комиссия еттита секцияга бўлиниб иш олиб боради¹. Бундан кўзланган мақсад мактаб билан музей ўртасида тажриба алмашиш, маълум бир фанларга ихтисослашган мактаб ўлкашунослиги хоналарини тузиш ва мактаб ўқувчиларига ўлка тарихини ўргатишдан иборат эди[4: 49].

Ёзги таътил пайтида мактаб ўқувчилари билан ўлкани ўрганиш борасида турли тарихий ёдгорликларга туристик саёҳатлар омалга оширилади. Саёҳат давомида йиғилган ашёлар умумлаштирилиб, музейда мактаб ўлкашунослиги кўргазмаси ва мактабларда ўлкашунослик бурчаклари ташкил этилади. Бизнинг ўлкада бу йўналишдаги ишлар мустақилликгача давом этган. Асосан бу ўлкашунослик тўғарақларида ҳукмрон мафкура ғоялари тарғиб қилинади.

Мустақилликдан сўнг Ўзбекистон Республикасининг миллий мафкурасини қарор топтиришга қаратилган Давлат сиёсатининг асосий мақсадларидан бири, ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни тарбиялаш бўлиб, баркамол авлодни тарбиялашда узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир бўғинининг ўз ўрни, илмий, таълимий-тарбиявий аҳамияти бордир.

Шу сабабдан ўлкамиз мактабларида ўлкашунослик тўғарақлари фаолият юритмоқда. Унда жуда кўп жонкуяр ўқитувчилар ўқувчиларга ўлка тарихи ҳақида билим бериб келади. Шундайлардан бири А.Ф.Нуруллаевдир. У узоқ йиллар Жондор туманидаги 2-сон мактабда тарих фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган ва мактабда ташкил этилган ўлкашунослик тўғарақига раҳбарлик қилган[1]. Кейинчалик тумандаги Тарих ва ўлкашунослик музейини ташкил этиб унга раҳбарлик қилди. Мингдан ортиқ ёшларни тарбиялаб, уларга ўз юртига муҳаббат, тарихни севиш, ўз ўлкасини ўрганиш ва асраш каби ғояларни шакллантиришда хизмат қилди. Бу фидокорона меҳнати учун унга 2004 йил Ўзбекистон халқ ўқитувчиси унвони берилди.

Ўлкашунослик тўғарақларида ўқувчилар дарсдан ташқари пайтларида қатнашиб ўлка тарихи, унинг тарихий ёдгорликлари, тепаликлар тарихи, тарихий шахслар ҳаётини ўрганиши ва ўзи қизиққан саволларга жавоб олиб билимини ошириши мумкин. Саёҳат ва экспедициялар вақтида тарихий ашёларни жамлаб ўзининг шахсий коллекциясини ташкил этишлари ҳам мумкин.

Ўтган давр мобайнида Бухоро вилояти “Баркамол авлод” болалар ижодиёти марказида ўлкашунослик тўғарақининг йил давомида олиб борган фаолияти натижалари юзасидан конференциялар ташкил этилган ва биринчи ўринни олган тўғарақ республика босқичига йўл олган. Ҳозирда ҳам бу ишлар амалга оширилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралда қабул қилган “Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 50-сонли қарори асосида Республикамизда 200

¹Еттита секциянинг 3 таси бошланғич синфлар ва 4 таси (табиатшунослик, тарих-археология, физика-математика ва тил, адабиёт ва фольклор) катта ёшдагилар учун эди.

дан ортиқ “Баркамол авлод” болалар марказлари қаторида Республика болалар ўлкашунослик ва экология тўғараклари ташкил этилди[5].

Бугунги кунда Бухоро вилоятида мактаб ва болалар марказлари қошида 244 та ўлкашунослик ва экология тўғараклари ташкил этилган. Шундай 87 таси бевосита ўлкашунослик тўғаракларидир[6].

Хулоса қилиб айтганда, ўлкашунослик тўғаракларининг фаолияти натижасида ўқувчилар бўш вақти мазмунли ўтади. Уларни ватанпарвар ва баркамол қилиб тарбиялашда ўлкашунослик тўғаракларининг ўрни каттадир. Аммо, охириги вақтда туманларда ўлкашунослик тўғаракларига эътибор пасайган ва ўқувчиларнинг тўғаракларга қатнаши сусайган. Мана шуларни инобатга олиб раҳбарият томонидан бу соҳага яна кўпроқ эътибор қаратилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Лекин бир раҳбарият эмас, тўғарак раҳбарлари ҳам ўз устларида ишлаб, ўқувчиларни тўғаракларга жалб қилиш чоралари кўрсалар нур устига нур бўларди.

Адабиётлар рўйхати

1. Асадов Ҳ. Фидойилик намунаси // Жондор овози газетаси. 2009 йил 23 апрел.
2. Набиев А. Тарихий ўлкашунослик. –Тошкент: Ўқитувчи. 1996. –Б.4-5.
3. Большаков А.М. Введение в краеведение. –Прибой. 1929. – С.116.
4. Бухоро вилоят давлат архиви, 1175 - фонд. 1-рўйхат. 18-ҳужжат. 36-44-49-варақ.
5. “Баркамол авлод” Республика болалар ўлкашунослик ва экология марказининг 2011 йил 2 ноябрдаги ҳисоботи.
6. Бухоро вилоят “Баркамол авлод” болалар марказларининг 2018 йил 20 сентябрдаги ҳисоботи.
7. <http://cheloveknauka.com>

XVIII АСР ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА СУРХОН ВОҲАСИ АНЪАНАВИЙ ХЎЖАЛИГИ СУҒОРИШ ТИЗИМИДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР ВА ЎЗГАРИШЛАР

Тоштемиров Акрам Менгли ўғли

ТДШУ, «Этнография, этнология ва антропология»

мутахассислиги I-курс магистранти

Илмий раҳбар:Тарих фанлари бўйича PhD Одилов Бобур

Аннотация: Мақолада Сурхон воҳаси анъанавий хўжалиги суғориш тизимида XVIII аср иккинчи – XX аср бошларида локал анъаналарнинг сақланиб қолганлик даражаси ҳамда маҳаллий ҳукмрон доиралари ва русларнинг бу соҳага таъсири масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: Сурхон воҳаси, анъанавий хўжалик тушунчаси, деҳқончилик, сепоялар, кориз тизими, Тўпаланг, Г.Ананьев, хўжалик-маданий анъаналар,Бухоро амири

Мубинов М. Изучение роли теологов-бухарцев в формировании исламской культуры на территории Средней Азии	228
Хидирова Г. Марказий Осиё топонимияси тарихшунослиги.....	233
Халилова З. Ўзбекистонда Ислом дини таълимининг ўрганилишига доир баъзи мулоҳазалар	239
Бувақов Н. Турк хоқонлигининг совет даврида ўрганилишига оид	244
Одилов Б., Рўзиқулов Ш. Фарғона водийси аҳолисининг хўжалик-маданий анъаналарига оид (Мустақиллик йиллари мисолида).....	249
Йўлдошев С. Мустақиллик йилларида Фарғона водийси илк ўрта асрлар тарихининг ўрганилиши	253
Жўраев Ш. Бухоро музейидаги “араб ёзувидаги шарқ қўлёзмаларни ўрганиш” илмий маркази фаолияти	262
Рискулов Ш. Рус ҳарбий шарқшуносларининг Афғонистонни тадқиқ қилиш ишларига қўшган ҳиссаси	268
Turdixo 'jayeve M. Mingtepa yodgorligi arxeologik tadqiqotlar tarixshunosligi.....	276

ЭТНОЛОГИЯ МАСАЛАРИ

Давлатова С. Ҳунармандчилик ёки “тўйинтирувчи ландшафт”нинг назарий жиҳатлари хусусида.....	282
Кандахаров А. Тасаввуф тариқатлари вакиллариининг ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсири	291
Абиров В. Ўзбек халқи келиб чиқиш тарихи масаласига доир (XIX аср сўнгги чораги – XX аср биринчи ярми).....	296
Болтаев А., Самандарова Н. Ёшларни тарбиялашда ўлкашунослик тўғрақларининг ўрни.....	302
Тоштемуров А. XVIII аср иккинчи ярми - XX аср бошларида Сурхон воҳаси анъанавий хўжалиги суғориш тизимидаги ўзига хосликлар ва ўзгаришлар	305
Зокиров Б. Рус ва хориж сайёҳларининг сафарномаларида Бухоро амирлигидаги араблар билан боғлиқ этнотопонимлар (XIX аср манбалари мисолида)	313
Tashkenbaeva D. Changes in the social structure of the indigenous population of the Turkestan region in the works of english-speaking authors	322
Турсунов Н. Бойсун қишлоқларининг ўзига хос анъанавийлигини акс эттирувчи жараёнлар	328
Кушманова Л. Этнотопонимларда Қурама элатининг тарихи.....	332
Эшқурбонов С. Ўзбек халқининг дехқончилик хўжалигида қўлланилган омор хусусида.....	339
Салаев И. Хоразмда янги уйга қўчиб кириш билан боғлиқ иримлар ва маросимлар (дала тадқиқотлари асосида).....	344
Одилов Б. Хўжалик маданий типлар илмий концепциясининг айрим мулоҳазалар.....	349